

ТАНЛОВ-1443: «МАЗҲАБЛАР — БИРЛИК РАМЗИ» 5000 долларга тенг либос кийган мужтаҳид



15:30 / 27.10.2021 2143

Ислом тарихчилари ўзининг замонасидаги Арабистон ярим ороли ва Ислом ўлкаларида модага айланган либосларни биринчи бўлиб кимлар кийганини диққат билан ўрганганлар. Ибн Қутайба Дайнаварий «Ал Маориф» асарида Мадинада биринчи бўлиб тойласон (яъни, елкага ташлаб олинадиган кенг ва узун либос) кийган киши Жубайр ибн Мутъим розияллоху анху бўлганларини ривоят қилади.

Яна Басрада биринчи бўлиб содда шиппак (бўялмаган ва безак берилмаган) ва пахтадан тайёрланган матодан либос кийган Зиёд ибн Абу Суфён, қора курткани биринчи бўлиб Мухтор ибн Абу Убайд ас Сақафий

кийганини зикр қилганлар.

Имом Суютий «Ал Ховий лил фатава» китобларида улуғ саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг бош кийими қиссасида шундай изоҳ келтирганлар:

«Узун қолансувалар (бош кийимлар) 153 ҳижрий санада халифа Мансур даврида ёки шу пайтларда пайдо бўлган».

Шунингдек, Ибн Халликон «Вафаятул аъян» китобида имом Абу Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳақларида шундай деган:

«У киши биринчи бўлиб, «Қозил қузот» (Қозилар қозиси) номи билан чақирилган. Ривоятларда айтилишича, уламолар либосини бугунги биз кўриб турган ҳолатга ўзгартирган киши ҳам имом Абу Юсуф эканлар. Аввалари эса уламоларнинг либоси бир хил бўлиб, бирининг либоси бошқасидан ажралиб турмас эди».

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг ташқи кўринишга эътибор беришлари масаласи у кишининг маноқиблари ёзилган китобларда етарлича маълумотлар берилган. Гоҳида бу каби маълумотлар Абу Абдуллоҳ Соймарийнинг «Абу Ҳанифа, асҳоблари ҳақида хабарлар» китобидагидек «Абу Ҳанифанинг ташқи кўриниши, сифатлари ва либосларининг гўзаллиги» мавзуси остида берилган бўлса, гоҳида «Ал Хойротил ҳисан фи маноқибти Аби Ҳанифата ан-Нўъман» китобининг муаллифи Ибн Ҳажар Ҳайтабий келтирганидек «Абу Ҳанифа ва унинг кийимлари ҳақида хабарлар» тарзида келган. Имом Абу Ҳанифанинг ҳаётлари ҳақида асар ёзувчилар ва у кишининг зийнатларини нақл қилувчиларнинг бор эътиборини ушбу жиҳатлар ўзига ром этган. Бу имомнинг атирларга катта эътибор берганларидир ва шу билан шуҳрат қозонганларидир. Баъзи тарихшунос олимлар у кишини кўп атир ишлатувчи ва хушбўйлиги билан танилган зот эканларини зикр қилганлар. Ўзларига, ташқи кўринишларига доим эътибор берганликлари сабабидан ҳам ҳаётлари ҳақида китоб ёзган кўп олимлар, у кишини «Чиройли юзли, гўзал либосли, поябзалли, зиёратларига келганларга яхшилик ва хайр саховат қилувчи», дея васф қилганлар.

Соймарий эса барча сифатларини жамлаб, «У киши ниҳотда гўзал кийим киярдилар» деган.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ ижтимоий одобларни ҳурмат қиладиган шахс бўлганлари нақл қилинган. Хусусан, ҳаётларининг ҳар бир кунда

тахминан 5000 долларга тенг. Имомнинг ридо ва кўйлаклари ҳам 400 дирҳамга баҳоланган. «Ал Хойротул хисан» китобида келишича, у кишининг 7 та бош кийимлари бор эди.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади

Эслатма:

Танлов иштирокчиларидан қуйидаги мавзуларда мақола ҳамда (араб, рус, инглиз, форс ва бошқа тиллардан) таржималар, илмий-тадқиқот ишлари, аудио ва видеосўхбатлар тақдим этишлари талаб этилади:

- Мазҳаб тушунчаси ва унинг тарихи;
- Мазҳаб ҳақида мўътабар уламоларнинг фикрлари;
- Мазҳаб имомлари ва уларнинг шогирдлари;
- Мазҳабнинг усуллари;
- Мазҳабга оид мўътабар асарлар;
- Масҳабсизлик ва унинг хатарлари.

Танлов шартига кўра, тақдим этилаётган материаллар аввал бошқа манбаларда берилмаган бўлиши, илмий асосланган бўлиши лозим.

Танлов тўрт чоракдан иборат бўлиб, ҳар бир чорак битта мазҳабга бағишланади:

- 1-чорак — ҳанафий мазҳаби;
- 2-чорак — шофеъий мазҳаби;
- 3-чорак — ҳанбалий мазҳаби;
- 4-чорак — моликий мазҳаби.

Иштирокчилар томонидан тақдим этилган материаллар islom.uz сайтида эълон қилиб борилади. Материалларни @islomuztanlovbot телеграм манзилига юборишингиз мумкин. Танлов 1443 йил зулҳижжа ойида (2022 йилнинг июль ойида) якунланади.

Марҳамат, танловда иштирок этинг!